

**“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг  
2016 йил I-чорагида олиб борилган назорат-профилактика ишлари яқунлари бўйича  
ҲИСОБОТ**

Давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилиб, Давлат инспекцияси бошлиғи тасдиқлаган иш режа ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ бир қатор ишларни амалга оширди.

Ҳисобот даврида “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ходимлари томонидан назорат остидаги корхона ва ташкилотларда 1120 та давлат назорати, 2149 та назорат-профилактика ишлари ўтказилиб, 8467 та саноат, радиация хавфсизлиги талаблари ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва қоида бузилишлар аниқланди. 15 та корхонада ишлар вақтинча тўхтатиб қўйилди. 278 та инженер-техник ва раҳбар ходимларга 40 665120 сўм жарима солинди.

Назорат остидаги корхона ва ташкилотларда умумий 20 та бахтсиз ходисаларга йўл қўйилиб, булардан 4 таси ўлим билан тугаган. (2015 йил I-чорагида умумий 21 та ва ўлим билан бта).

**Кўмир, кон-руда ва норуда саноатини назорат қилиш ҳамда геология-маркшейдерлик назорати инспекцияси**

Тармоқ инспекциясининг давлат нозирлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 2 майдаги ПҚ-1524-сонли “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 20-сонли “Ер ости бойликлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорларини ҳамда ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий актлар ва норматив техник ҳужжатлари талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер қаъри участкаларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди:

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов томонидан 2016 йил январ, феврал, март ойларида тасдиқланган 39, 40-сонли баённомаларига мувофиқ, фойдали қазилмаларни қазиб олаётган корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб чиқилди ва “Норуда фойдали қазилмалардан иборат бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш” комиссиясига ҳулосалар тақдим этилди.

Жорий йилнинг I-ярим йиллиги давомида тармоқ инспекциясининг давлат нозирлари томонидан назорат остидаги 1286 та объектларда (942 та корхона ва ташкилотларда) 309 мартаба текширувлар амалга оширилди. Бу текширувларда меъёрий ҳужжатларда белгиланган жами 2998 мартаба қоида ва йўриқномаларнинг талаблари бузилиши аниқланди.

Аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш бўйича тармоқ инспекцияси давлат нозирлари томонидан 309 та ёзма кўрсатмалар берилди, ҳамда қоида бузилишларни содир этишда айбдор бўлган 107 та мансабдор шахсларга нисбатан 15 107 840 сўм миқдорида жарима қўлланилди ва 13 024 000сўм миқдорида жарима ундирилди. Қоида бузилишлар бўйича 1 та ҳужжат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилди. “Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва кон ишлари соҳасида” қоида бузилишлар туфайли хавфли шароитлар юзага келиши натижасида 11 та объектларда ишлар вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Шу қаторда 2016 йилнинг I-ярим йиллиги мобайнида республикада фаолият юритаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланаётган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонун ости ҳужжатлари ижросини таъминлаши лозимлиги тўғрисида 442 маротаба назорат профилактика, 4 маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиниб тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни талабларини бажариш мақсадида, давлат инспекторларининг ёзма кўрсатмалари асосида назорат остидаги корхоналарда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

55 та хавфли ишлаб чиқариш объектлари идентификацияланди, 5 та корхона саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилди, 4 та корхонада хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария содир бўлган ҳолда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарликнинг мажбурий суғурта қилинди. Портлатиш ишларини олиб бориш учун жами 106 та рухсатномалар расмийлаштирилди, 728 та муҳандис-техник ходимлар («Навоий КМК» давлат корхонасида – 119 та, “Олмалиқ ТМК” АЖда – 293 та, “Ўзбекқўмир” АЖда – 82 та ва бошқа корхоналардан – 234 та) саноат хавфсизлиги соҳасида тайёргарликдан ва билимлар синовидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунни ижросини таъминлаш мақсадида, заҳираларни ҳисобдан чиқариш ва ҳисобга олиш бўйича 309 та корхона ва ташкилот мурожаатлари ўрганиб чиқилди ҳамда келишилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 20-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасидан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни олган 10 та корхона ва ташкилотга кон ажратмалари тақдим этилди, 309 та корхона ва ташкилотлардан тақдим этилган кон ишлари ривожлантириш режалари келишилди. 8 та техник иқтисодий асослаш лойиҳаси кўриб чиқилди ва келишилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сонли қарорида кўрсатилган портловчи материалларни ва портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланаётган корхоналарнинг лицензия талабларига мос келишини олдиндан назорат қилиш ва бу талабларнинг бажарилиши бўйича текшириш ишлари режасига ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари тасдиқлаган Вазирлар Маҳкамасининг портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2016 йилнинг I-ярим йиллиги учун иш режаси ҳамда тармоқ инспекцияси иш режалари асосида ойлик, чорак иш режалари ва кўрсатмаларига асосан “Олмалиқ КМК” АЖ ва “СУ-75” МЧЖи объектларида назорат профилактика ишларини олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тергов бошқармасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг хатларига мувофиқ жорий йилда ер қаъри участкаларидан фойдаланаётган 5 та корхона ва ташкилотларда ўрганиш ишлари олиб борилиб, ер ости бойликларидан фойдаланиш қонун ва қоидалари талаблари бажарилиши юзасидан мутахассис хулосаси ва маълумотлари тақдим этилди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш жароҳатланишларининг умумий даражаси ва ўтказилган текширишлар сони 2015 йилнинг I-ярим йиллик якуни ва 2016 йилнинг I-ярим йиллик якуни билан таққосланиши қуйидагича:

Оқибати оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори талабларига мувофиқ махсус текширишлар ўтказилиб текширув натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилди. “Навоий КМК” ДК да 4 та бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилиб, 3 та оғир ва 1 та енгил, “Олмалиқ КМК” АЖ да 2 та бахтсиз ҳодисага йўл қўйилиб, булардан 1 таси енгил

1 таси оғир, “Ўзбеккўмир” АЖ да 5та бахтсиз ходисага йўл қўйилиб, булардан 2 таси оғир 3 таси енгил турдаги тан жароҳатидир.

### **Нефт ва газ саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Инспекция ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси 2006 йил 28 сентябрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги” тўғрисидаги 57–сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 649-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги “Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратиш далолатномаси бериш тартиби” 20-сонли,

2011 йил 11 майдаги “Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 131-сонли,

2008 йил 10 декабрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 271-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 08.06.2010 йилдаги 111-сон Қарори ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2015 йил 7 декабрдаги 01-сонли қарори билан тасдиқланган Режа-жадвали ва бошқа норматив-ҳуқуқий, норматив-техник ҳужжатларга асосан олиб борди.

“Нефт ва газ саноатида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг ягона тизими”га асосан, акциядорлик компаниялари томонидан тасдиқланган 4-поғонали текшириш жадваллари асосида 2016 йилнинг биринчи чораги давомида “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АКсининг “Тошкент техник таъминлаш” базаси ШК, “Махсусэнергогаз” АЖ, “Ўзнефтегазинформатика” АЖ, “Нефтегазмеъёр” АЖ, “Муборакнефтегаз” УШК, “Қоровулбозор Техник Таъминлаш” ШК, “Муборак Техник Таъминлаш” ШК, “Нефтегазстройремонт” АЖ, “Ўзнефтегазкудуктаъмирлаш” АЖ, “Мубарекнефтегазавтотранс” АЖларида ва “Ўзгеобурғунефтегаз” АКсининг “Минорақуриш экспедицияси” АЖ, “Техник таъминлаш ва бутлаш” ШКси, “Ўзпарқурилиш” АЖ, “Нефтегазкудукларни синаш” АЖ, “Ўзпартампоаж” АЖ, “Қоровулбозор нефтгазқидириш экспедицияси” ШК, “Ўзпарқурилиш” ОАЖ, “Қашқадарё Пармалаш Ишлари” АЖ, “Бухроннефтгазавтотранс” АЖ, “Ўзнефтмахсулот” АКси тасарруфидаги «Кўкон нефт базаси» УК, “Қарши нефт базаси» УК, “Фарғона нефт базаси» УК, “Тўрақўрғон нефт базаси» УК, “Дўстлик нефт базаси» УК, “Урганч нефт базаси» УК Шовот филиали, “Элликқалъа нефт базаси» УК, “Асака нефт базаси» УК, “Тахиатош нефт базаси» унитар корхоналари ва унинг филиалларида, “Ўзтрансгаз” АКси тасарруфидаги корхоналар: Фарғона магистрал газ қувурлари бошқармаси, Муборак магистрал газ қувурлари бошқармаси, Газли магистрал газ қувурлари бошқармаларида, “Ўзнефтгазқурилишинвест” АКсига қарашли “Бухорогазсаноатқурилиш” ОАЖ, “Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш” ОАЖ, “Қашқадарётранссервисқурилиш” унитар корхоналарида ҳамда қўшма корхоналарда, яъни “Гиссарнефтегаз” ҚК, “ЛУКОЙЛ Ўзбекистан Оперейтинг Компани” ҚК, “ERIELL” (Чехия) ЧК, “ЎзМалОйл” ҚКларида назорат-текширув ишлари олиб борилди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини назорат қилувчи мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2016 йил режа-жадвалига асосан, 2016 йил 1-чораги давомида назорат остидаги 9 та корхона ва ташкилотларда режали текшириш ўтказилди. Бунинг натижасида 84 та меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланиб, камчиликларга йўл қўйган 11 та раҳбар ва ходимларга нисбатан 1 432640 сўм миқдориди жарима солинди.

“Ўзбекгеофизика” АЖ барча (Амирабод кон-геофизика, Бухоро, Яккабоғ, Устюрт ва Фарғона геофизика экспедициялари) филиалларида портловчи материаллар билан

боғлиқ ишларда машғул бўлган иш-ходимларнинг билимини навбатдан ташқари текшириш комиссияси ишида инспекция ходими иштирок этди.

2016 йилнинг 21 январида “Яккабоғ геофизика экспедицияси”га қарашли портловчи материаллар сақлаш базис омборхонасида портловчи материалларнинг сақланиш ҳолатини текширди. Текшириш натижасида 5та “Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисида”ги Йўриқномаси, ҳамда “Портлатиш ишларини хавфсиз олиб боришнинг ягона Қоидалари” талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланди.

Инспекция ходимлари томонидан 2016 йил 1 чораги давомида “Ўзбекнефтегаз” МХКнинг “Ўзгеобурғунефтегаз”, “Ўзнефтвергазказибчиқариш”, “Ўзнефтвермаҳсулот”, “Ўзтрансгаз”, “Ўзнефтвергазқурилишинвест” акциядорлик компаниялари тасарруфидаги корхоналарига қарашли корхоналарда 99 текширув ўтказилиб, жами 1864 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Ҳисобот даврида инспекция назорати остидаги корхоналарда 1 ўлим ва 1 та оғир тан жароҳати билан тугаган бахтсиз ҳодисалар содир бўлди.

Инспекция ходимлари “Ўзбекнефтегаз” МХК тасарруфидаги корхоналарнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва техника хавфсизлиги муҳандисларини билимларини синаш комиссиялари ишида ҳамда ҳар ҳафтада бўлиб ўтадиган “Ўзбекнефтегаз” МХК нинг ускуна ва эҳтиёт қисимлар сотиб олиш учун ўтказиладиган Марказий Тендер Комиссияси мажлисларида актив иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли қарорини таъминлаш мақсадида “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 10 та семинарлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли қарорини таъминлаш мақсадида “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ-57-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган омилларни таҳлил қилиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиниши бўйича “Нуробод нефтвербасаси” УК, “Қарши нефтвербасаси” УК, “Фарғона нефтвербасаси” УК, “Қўқон нефтвербасаси” УКси ва унинг филиалларида, “Бухорогазсаноатқурилиш” АЖ, “Водий маиший транс сервис” МЧЖ, “Дилёра Дилмуроджон инвест” МЧЖ, Бунёд” МЧЖ, “Шимолий Сух” ГЕОСИ ҳамда бошқа хусусий корхона ва фирмалар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда жами 286 киши қатнашди.

2016 йил 1-чораги давомида 14 та корхона ва ташкилотларда, жумладан “Шаҳрисабз нефтвербаза” УК, “Қўқон нефтвербаза” УК, Қўқон “Темирўлғенилғитаъминот” бошқармаси, “Оқтан плюс” МЧЖ, “Водий маиший транс сервис” МЧЖ корхона раҳбарлари

иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4725-сонли Фармони мазмун-моҳияти бўйича семинар-йиғилишлари ўтказилди.

Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2016 йил 3, 4 ва 7 феврал кунлари «Диёр янгиликлари» информацион дастурида “Хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли фармони ижросини таъминлаш юзасидан автомобилларга суюқ ёнилғи ва газ ёқилғиси қуйиш шахобчаларида амалга оширилаётган ишлар бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлар амалга оширилди.

Тармоқ инспекцияси ходимлари нефт ва газ қазиб чиқарувчи корхоналар тарафидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 649-сонли “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тарафидан тақдим этилган ҳужжатларга инспекцияда ўрганиб чиқилмоқда ва инспекцияда чиқарилаётган фармойишларга биноан фойдаланиш учун лицензия берилаётган ер қаъри участкаларида дастлабки текширишлар ўтказилмоқда.

Фойдаланиш учун лицензия берилаётган ер қаъри участкаларида ўтказилган дастлабки текширишлар натижасида тузилган далолатномалар асосида корхоналарда режалар тузилиб уларнинг бажарилиши инспекторларимиз тарафдан назоратга олинмоқда.

Тармоқ инспекцияси ходимлари тарафидан назорат остидаги углеводород хом ашёси қазиб олувчи корхоналарда “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Вазирлар Махкамасининг 649-сонли қарори ва бошқа ҳуқуқий ва норматив техник ҳужжатлар талабларини бажарилиши юзасидан олиб борилган назорат ишлари натижасида корхоналардаги муддати ўтган лицензиялар ва кон ажратиш далолатномалари янгиланмоқда.

Ҳисобот даврида инспекция томонидан нефт-газ кудуқларини қазиб бўйича тақдим этилган 8 та ишчи-лойihalари кўриб чиқилди ва келишилди.

Тармоқ инспекцияси ходимлари тарафидан назорат остидаги углеводород хом ашёси қазиб олувчи корхоналарда “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Вазирлар Махкамасининг 649-сонли қарори ва бошқа ҳуқуқий ва норматив техник ҳужжатлар талабларини бажарилиши юзасидан олиб борилган назорат ишлари натижасида корхоналардаги муддати ўтган лицензиялар ва кон ажратиш далолатномалари янгиланди.

Инспекция назорати остидаги корхона ва ташкилотларда учраётган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун инспекцияда ҳар ойда бир маротаба (охирги пайшанба) очик эшиклар куни ўтказилмоқда ва 2 та ишонч телефонлари ташкил этилган бўлиб, мурожаат этаётганларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари Ғ.Ибрагимов раислигидаги 22.01.2015 йилдаги 06-06-6-3 сонли мажлис баёнининг 3 банди 7 абзаци талабларини бажариш мақсадида “Ўзбектефтгаз” МХКси тасарруфидаги назорат остидаги “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АКси, “Ўзгеобурғунефтегаз” АКси, “Ўзнефтмахсулот” АКси, “Ўзтрансгаз” АКси, “Ўзнефтгазқурилишинвест” АКси корхоналарда “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларида содир бўлиши мумкин бўлган авария ва бахтсиз

ходисалар олдини олиш ва профессионал хавфсизлик даражасини оширишга доир чоратдбирлар режалари Давлат инспекциясининг тармоқ инспекцияси билан келишилиб ишлаб чиқилди.

### **Геология-разведка ишлари олиб борилишини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Инспекция 2016 йил I чорак давомида “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган иш режа, чиқарилган буйруқлари ва Давлат назорати бошқармаси томонидан берилган топшириқлари асосида, ҳамда тармоқ инспекцияси томонидан тасдиқланган инспекторларнинг йиллик иш режаларига мувофиқ, назорати остидаги хўжалик юритувчи субъект объектларида авария ва нохуш ходисаларни олдини олиш, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этишлари юзасидан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524 сонли қарори билан тасдиқланган “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 49, 50, 59, 60 – бандларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 июлдаги ВМҚ 220-сон қарори билан тасдиқланган “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги НИЗОМ” талаблари ижросини таъминлаш асосида ҳамда, 131-сонли “Саноатгеоконтехназорат” ДИ низомида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда назорат-профилактика ишларни олиб борди.

Тармоқ инспекцияси I-чорак давомида Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли “Қорақалпоқ ГТИЭ” ДК, “Ялпи ГТИЭ” ДК, “Оролбўйи ГГЭ” ДК, “Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ” ДК, «Фарғона ГГЭ» ДК, “Жанубий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “Марказий ГГЭ” ДК, “Шарқий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК, “Гидроминерал ресурслар геологияси ИИЧМ” ДК, “Хавфли геология жараёнларни кузатиш давлат хизмати” ДК, “Минерал ресурслар геологияси институти” ДК, “ГИДРОИНГЕО” ДК, “Китоб давлат геология қўриқхонаси” ДК ларида назорат-профилактика тадбирлари олиб борилди. Тадбир натижасида 206 та меҳнатни муҳофаза қилиш (ММК) ва техника хавфсизлиги (ТХ) қоидалари бузилишлари, яъни 67 та техник, 139 та ташкилий масалалар бўйича қоида бузилишлари аниқланди. Тармоқ инспекцияси назорати остидаги корхоналарда геология қидирув ишларида хавфсизлик қоидалари (ГҚХК) талабларига риоя этмаган 8 нафар инженер техник ходимга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди, умумий жарима миқдори 1302400 сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давгеолқўмдан келган 24 та “Умумлашган техник иқтисодий хисоботи” (УТЭР) геологик лойиха ҳужжатлари ўрганилди ва эксперт хулоса берилди. Корхоналардан келишиш учун келган 24 та геологик лойиханинг “Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимини ўрганиб чиқиб келишилди.

2016 йил I чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар Қўмитасига қарашли “Шарқий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК сида 10 феврал 2016 йилда ўлим билан тугаган бахтсиз ходиса рўй берди.

Тармоқ инспекция ходимлари томонидан жароҳатланиш, авария, нохуш ходисалар ҳолатларига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш мақсадида, ташкилотларда мавжуд бўлган камчиликларни таҳлил қилинган ҳолда, мансабдор шахс ва ишчилар билан меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги маъвуларига “Қорақалпоқ ГТИЭ” ДК, “Ялпи ГТИЭ” ДК, “Оролбўйи ГГЭ” ДК, “Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ” ДК, «Фарғона ГГЭ» ДК, “Жанубий Ўзбекистон ГТИЭ” ДК ларида суҳбат тарзида семинарлар ўтказилди.

Назорат остидаги корхона ишчи ходимлари иштирокида «Саноатгеоконтехназорат» ДИ сининг 2010 йил 26 март 109-сонли буйруғи ижроси юзасидан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” давра суҳбатлари ўтказилмоқда. 2009 йил 1 май 84-сонли буйруғига асосан Қорақалпоқ ГТИЭ” ДК, “Ялпи ГТИЭ” ДК, “Оролбўйи

ГГЭ» ДК, «Фарғона ГГЭ» ДК, «Жанубий Ўзбекистон ГТИЭ» ДКларида инженер техник, ишчи ходимлари иштирокида «Очиқ эшиклар куни» юзасидан йиғилиш ўтказилиб, иш жараёнида ёки кундалик турмушда келиб чиқиши мумкин бўлган баъзи муаммолар юзасидан очиқ мулоқатлар олиб борилди, ҳамда баъзи бир ечимини топмаган муаммолар юзасидан «Ишонч телефонлари»га мурожаат этишлари тавсия этилди.

Геология-разведка ишлари олиб борадиган корхоналарда (экспедицияларда) тоғ-кон ва бурғулаш дастгоҳларини деярли 80% ишлаш муддатини ўтаб бўлган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига, «Навоий КМК» ДК га қарашли «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» ИИМ ҳамда «Олмалик КМК» АЖга қарашли «Рангли металллар геологияси» ИИМ корхоналари дастгоҳ ва қурилмаларни сотиб олиш учун тендер савдо ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари яна бир муаммо бу, кадрлар масаласи. Миллий кадрлар масаласи ҳам геология йўналишида оқсаяпти.

Тармоқ инспекцияси назорати остидаги корхоналарда Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир қонун ҳужжатлари ва меъёрий-техник, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этишлари юзасидан назорат профилактик ишларни олиб боришда йўл қўйилаётган қоидабузарликлар ва камчиликлар таҳлил қилинганда, аксарияти раҳбарият ва маъсул шахслар томонидан назорат сусайтирилганлиги ва айрим инженер техник ҳамда ишчи ходимларнинг малакаси камлиги сабаб бўлмоқда.

2016 йил I чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш Комиссияси» нинг 38,39,40 - сонли кенгаш баёни 1, 2, 3 бандларига мувофиқ, Давлат геология қўмитаси ва «Саноатгеоконтехназорат» ДИ билан биргаликда тузилган ишчи гуруҳ таркибида сўралаётган ер қаъри участкасида қўшимча тугал тадқиқотларни амалга оширди. 5 та корхонада текшириш олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисидаги ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш тартиби ижроси юзасидан портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти тўғрисидаги ахборотларни «электрон имзо» орқали ўз вақтида топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 25 январ 2016 йилдаги 10<sup>6</sup>/7-16-103-4611-сонли хатига асосан 2016 йилнинг феврал-март ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 27.08.2010 йилги ПҚ -1396-сонли Қарори ва бошқа қонунлар ижросини Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда унинг қуйи тизимларида текшириш ишларида ишчи гуруҳ таркибида иштирок этди.

### **Кимё, металлургия ва нефт-газни қайта ишлаш саноатларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Кимё, металлургия ва нефт-газни қайта ишлаш инспекцияси назорати остидаги корхоналарда 196 та саноат корхонаси бўлиб, уларда 7890 та объектлар мавжуд. 2016 йилнинг I чораги давомида инспекция ходимлари томонидан «Ўзкимесаноат» акционерлик жамиятига қарашли «Навоийазот» АЖ, «Фарғонаазот» АЖ, «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Максам-Чирчиқ» АЖ ва «Аммафос-Максам» АЖ, шунингдек «Узметкомбинат» АЖ корхоналарида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш режаси, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир Ш. Мирзиёев томонидан 2012 йил 10 июнда тасдиқланган «Назорат қилувчи

органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш» йиғилишининг 1-сонли баёни, 1-иловасига асосан тузилган режа асосида технологик жараёнларни бехатар олиб борилиши ва жараёнларни олиб боришда юз берган носозликлар тафтиш қилинди, шу билан бирга жорий этилган ўқитиш тартибига риоя қилиниши, ишчи ва муҳандис ходимларнинг техника ва меҳнат хавфсизлиги билимлари текширилди. Текширишлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

Хисобот даврида 1 та комплекс, 59 та мақсадли текширувлар ўтказилди, меъёрий ҳужжатлар талаблари 627 та банди бузилганлиги аниқланди, ушбу камчиликларнинг 2 фоизи муддати тугамаганлиги ва моддий маблағлар масаласи ечими топилмаганлиги сабабли бажарилмади, 35 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиб, 4558400 сўм миқдорида жарималар солинди, барча текширилган корхона раҳбарларига ёзма буйруқ ва далолатномалар берилди.

Шу билан бирга, хавфли ишлаб чиқариш объектларида ташкил қилинган саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниши бўйича 1122 та ишчи ва муҳандис ходимларнинг билимларини синаш жараёнида иштирок этилиб, улардан 128 та ходимларнинг билими қониқарсиз деб топилиб, уларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда чоралар кўрилди.

“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини тарғибот қилиш, назорат остидаги корхона ва ташкилотларда ходимларни билим даражаларини ошириш, содир бўлиши мумкин бўлган авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш борасида семинар-йиғилишлар ўтказилди, шунингдек техник ускуналардан хавфсиз фойдаланишга қаратилган норматив-техник ҳужжатлар талабларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар олиб борилди.

Хусусан, 16 та семинар йиғилиш “Ўзбекнефтегаз” МХК “Фарғона НКИЗ” корхонасида ҳамда “Шуратнефтегаз” УШКда ўтказилди, шу билан бирга 106 та корхонада бевосита жойларга чиқиб, саноат хавфсизлиги талабларини бажариш бўйича кенг қўламда тушунтириш ишлари олиб борилган.

Хисобот даврида инспекция назорати остидаги “Олмалиқ КМК” АЖ тасарруфидаги Мед заводида жорий йилнинг 24 январь куни 1 та гуруҳий бахтсиз ҳодиса содир бўлди ва “Ўзкимёсаноат” АЖ тасарруфидаги “Қишлоқхўжаликкимё” АЖ корхонасининг ҳаво ажратиш цехида жорий йилнинг 13 февраль куни оқибати оғир тан жароҳат олиши билан тугаган бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиш асосий манбаларидан бири деб, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига айрим мутасадди инженер-техник раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, ҳамда ишчи ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини қўлламасдан хавфли ишларни бажаришини натижасидир.

### **Бўғ қозонларини ва кўтариш иншоотларини назорат қилиш инспекцияси**

Бўғ қозонларини ва кўтариш иншоотларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси назорат остидаги корхона ва ташкилотларда Саноат хавфсизлигига доир қонун ҳужжатлари ва меъёрий-техник ҳужжатларга, шунингдек давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 январдаги 07-07/9-19 сонли мажлисининг 76 баёнининг 3 бандини ижросини таъминлаш мақсадида “Янги йил” тадбирлари ўтказаладиган объектларда давлат инспекторлари байрамларни тизимли равишда ўтказишда иштирок этишди.

2016 йил 1-чорак давомида инспекциямиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 310-сонли қарорини бажариш бўйича Республикамиз ҳудудида қурилаётган АГТКШ бўйича 15 та ва Ўзбекистон Республикаси



Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорини бажариш бўйича 18 та ҳужжатлар кўриб чиқилди ва ҳулосалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимовнинг 2016 йил 16 январдаги №02/1-741-сон, 12 февралдаги №02/1-741 ва 24 февралдаги №02/1-74 –сон топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида “Мицубиши япон илмий текширув институти” вакиллари билан инспекцияда учрашувлар ўтказилиб, керакли маълумотлар тўпланиб, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги(МВЭСТ)га ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 январдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан Молия вазирлигига 556 йирик корхона ва ташкилотларни техник аудитдан ўтказиш топширилган. Тармоқ инспекцияси вакиллари техник аудит бўйича ташкиллаштирилган комиссия аъзоси сифатида ваколат доирасида иштирок этишмоқда. “Иссиқлик билан таъминлаш корхона”ларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 22 январдаги 2-баённомасининг 3-бандини ижроси таъминлаш бўйича “Ўзэнергоназорат” ДИ, “Ўзнефтегазинспекцияси” ДИ ва тармоқ инспекциялари ходимлардан ташкил топган комиссия республикада мавжуд марказий ва локал қозонларнинг техник ҳолати бир ой мобайнида инвентаризациядан ўтказилди.

Ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи пайшанба кунлари тармоқ инспекция қошида “Очик эшиклар куни” ташкил қилиниб, ҳисобот давомида ходимларимиз томонидан турли соҳаларга таълуқли масалалар юзасидан 12та корхона вакилларига консултив тушунтириш ишлари амалга оширилди, барчаси рўйхат дафтарида қайд қилинган. Тармоқ инспекцияси қошида 244-26-10, 244-38-82 ишонч телефонлари ишлаб турибди.

Лифтларни бехатар ишлатиш бўйича ишлаб чиқилган Техник Регламент бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган таклифлар қайта ўрганилмоқда ва регламентга киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада кўп энергия сарфлашни қисқартириш, кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳақида” ПП-2343-сонли қарорида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси дастури” ва “Иссиқлик ишлаб чиқадиган корхоналарнинг марказлаштирилган қозонхонасини босқичма-босқич замонавийлаштириш ва қайта қуриш жадвали” 2016 йилда ўрганиш жадвали йирик корхоналар ва вилоятлар кесимида 2016 йил 6 январда ишлаб чиқилди, ҳамда вакилларимиз Қорақолпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти бўйича комиссия ишида иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2016 йил 23 февралдаги №05/1-2-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида “Олмалиқ металл конструкция” ва “Тошэлектротехмонтаж” МЧЖ ўрганилиб, ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ҳисобот даврида, яъни 2015 йил 23 декабрь куни “Avtokomplekt“ МЧЖ ишчилари Тошкент шаҳри Яшнобод тумани С.Азимов кўчасидаги 7 қаватли 15–сон тураржой биносида лифт қурилмасини ўрнатиш вақтида “Avtokomplekt” МЧЖ лифт монтажчилари вазифасида ишловчи Алимжанов Рустем Рифатович ва Камолов Шерзод Атамурод ўғлининг иш вақтида юқоридан тушиб кетиши натижасида оғир тан жароҳати олиш оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса бўйича текширув комиссиясининг ҳулосаси ва ишлаб чиққан чора-тадбирини бажариш бўйича ишчилари билан навбатдан ташқари техника ҳавфсизлиги бўйича машғулот ўтказилиб, билимлари синалди. Ушбу бахтсиз ҳодиса 2016 йил 19 февралда Давлат инспекцияси Ҳайъати мажлисида кўриб чиқилди.

2016 йил 8 январь куни “Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖда, “Мисни бойитиш” фабрикасининг “Майдалаш цехи”и чилангар-таъмирчиси А.А.Қулахмедов дренаж насосини кран-балка билан кўтараётган вақтда кран-балка ўрнатилган жойидан

чикиб кетиб, чилангар-таъмирчининг елкасига тушиб унга оғир тан жароҳати етказди. Комбинат ишчилари билан навбатдан ташқари техника ҳавфсизлиги бўйича машғулот ўтказилиб, билимлари синалди.

2016 йил 9 январь куни “Ўзбекэнерго” АЖ “Ўзэлектртармок” УК Жанубий – Ғарбий магистрал электр тармоқларининг электрмонтёри Ш.Т.Рустамов АГП-22 кўтаргич(подъемник)нинг савати тўсиқлари синиши натижасида 20 метр баландликдан йиқилиши, натижасида оғир тан жароҳати олиб оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ходиса содир бўлди. Ушбу бахтсиз ходиса 2016 йил 19 февралда Давлат инспекцияси Ҳайъати мажлисида кўриб чиқилди. УК ишчилари билан навбатдан ташқари техника ҳавфсизлиги бўйича машғулот ўтказилиб, билимлари синалди.

2016 йил 12 январ куни “Ўзнефтгазқазаш” АЖ, “Муборак Газ қайта ишлаш заводи”нинг сваркачиси О.К.Суяров қозонхонанинг тоmidан тушиб кетиб, оғир тан жароҳати олади. “Муборак газ қайта ишлаш заводи”нинг ишчилари билан навбатдан ташқари техника ҳавфсизлиги бўйича машғулот ўтказилиб, билимлари синалди.

Назорат қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашинининг 2016 йил 12 январдаги 1573-10 қарорини ижросини таъминлаш бўйича Республикада мавжуд автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаларининг рўйхати ва текшириш режаси ишлаб чиқилиб, ўз вақтида Давлат назорати бошқармасига тақдим этилди.

Тармоқ инспекцияси ходимлари томонидан меҳнат муҳофазасини сушт ташкил этган корхоналарда, инспекция назорати остидаги корхоналарнинг барча ходимлари билан авария (инцидент) ва бахтсиз ходисаларни олдини олишга оид 32 та мажлис ўтказилди. Ушбу мажлисларда улар саноат ҳавфсизлиги соҳасидаги маърузалари билан ҳамда ёзма кўрсатмаларни бажарилиши бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш таклифларини беришди.

Шунингдек ҳисобот даврида Назорат органлари ишини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2015 йил 7 декабрдаги 01-сонли қарори билан тасдиқланган 2016 йил текширишлар режа-жадвалига мувофиқ ва 2016 йил 3 мартдаги 06/1-131-сонли қарори билан тасдиқланган режадан ташқари текширувлар жадвалига асосан ходимларимиз томонидан 21 та режали ва 11 та режадан ташқари текширув ўтказилди ва 623 та корхонада профилактика-назорат ишлари олиб борилди, корхоналарда инспекция назорат остидаги техник қурилмаларни беҳатар ишлатишда саноат ҳавфсизлиги соҳасини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий техник ҳужжатлар талаблари бўйича 983 та бузилиш ҳолатлари аниқланди ва улардан 47 таси ўз вақтида бартараф этилмади. Бахтсиз ходиса ва аварияларни олдини олиш мақсадида вақтинча 9 та қурилмалар тўхтатиб қўйилди. Қоидабузарлик ва камчиликларга йўл қўйганлари учун 48 нафар жавобгар шахсларга 8 074 880 сўм миқдорида жарима солинди ва ундириб олинди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 23 февралдаги “Тошкент шаҳрида “Наврўз” байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартибини ва ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган қўшма чора-тадбирлар тўғрисидаги топшириғи ижросини таъминлаш “Наврўз мажмуаси” бўйича жорий йилнинг 25 февралдан 19 март кунигача ваколат доирасида қатнашилди.

Шунингдек, 2016 йил 14 март куни Тошкент шаҳар ҳокимининг топшириғига асосан ИИБ ЁХБ ва ФВБ вакиллари билан 16-17 март кунлари Тошкент шаҳри бўйича “Наврўз” умумхалқ байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган 12 та майдонда яъни: “Ўзбекдавлатцирки”, “Тошкент хайвонот боғи”, “Бахт Диёр” гузари ва 9 та маданият ва истирохот боғларида мавжуд техник қурилмаларнинг ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилди.

“Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти”нинг тадбирларини юқори даражада ўтказишни таъминлаш борасида “Кўксарой” мажмуасидаги лифтларнинг техник ҳолати 2016 йил 24 февраль куни ўрганилиб, хулоса берилди.

2006 йил 28 сентябрь ЎРК-57-сонли “Ҳавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат ҳавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2015 йил 15

майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармонининг мазмун ва моҳияти, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 11 ноябрдаги 326-сон қарори билан тасдиқланган “Сиқилган табиий, суюлтирилган нефт, газ ёки дизель ва газ ҳолатидаги ёқилғида ишлайдиган автотранспорт воситаларининг ҳавфсизлиги ҳақидаги Умумий техник регламенти”ни тарғибот қилиш, назорат остидаги корхона ва ташкилотларда ходимларни билим даражаларини ошириш, содир бўлиши мумкин бўлган авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида меҳнат муҳофазаси, ҳамда ҳавфсизлик техникаси қоидаларини тушунтириш борасида 92 та семинар- йиғилишлар ўтказилди, семинар йиғилишларда 1756 нафар ходимлар қатнашди, шунингдек оммавий ахборот воситаларида 11 марта чиқишлар қилинди.

“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг 2016 йил 19 февралдаги 4-сон Хайъат мажлиси қарорининг 5.1. банди ижроси таъминлаш мақсадида 2016 йил 29 март куни лифтларни ўрнатувчи корхоналар иштирокида семинар ўтказилди. Семинарда “Лифтларни монтаж қилиш технологик жараёнида ишларни бехатар олиб бориш” намунавий йўриқномасини ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил қилинди.

### **Газ хўжалигидан ҳавфсиз фойдаланишни назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Газ хўжалигидан ҳавфсиз фойдаланишни назорат қилиш тармоқ инспекцияси 2016 йилнинг 1-чорагида, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари шунингдек, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан чиқарилган буйруқлари ва Давлат назорати бошқармаси томонидан берилган топшириқлари асосида, назорат остидаги хўжалик юритувчи субъект объектларида авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш, газ хўжалигидан ҳавфсиз фойдаланишга доир қонун ҳужжатлари ва меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан куйидаги профилактика ишларини олиб борди.

Газ хўжалигидан ҳавфсиз фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан 2016 йил 1-чорада 17 та (41) корхонада НКОФМК режаси асосида ва 10 та (8) корхонада назорат тартибида ва 478 та (634) назорат профилактика ишлари олиб борилди.

Техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган раҳбар ва ишчи-ҳодимлардан 27 (40) нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди, умумий жарима миқдори 4297920 (4854400) сўмни ташкил қилди, шундан 4 (10) нафари раҳбарлардир.

Газ хўжалигида ишловчи 2398 (2192) нафар муҳандис-техник ва ишчи ходимлар техника ҳавфсизлиги бўйича билим савиялари текширилди. Улардан 144 (90) нафарининг билим савияси қониқарсиз деб топилди, улардан 173 (59) нафари раҳбар ва мутахассисларни ташкил этади.

Авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида рўзнома, радио ҳамда телевиденияларда чиқишлар ташкил этилди. Корхоналарда семинарлар ўтказилди ҳамда “Саноатгеоконтехназорат” ДИ вебсайтига қоида ва йўриқномалар жойлаштирилди. Ҳисобот даврида ҳавфсиз иш юритиш методларини тарғиб қилиш мақсадида корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилди.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги АГЗС, АГНКС ва автомобилларга газ баллонлари ўрнатувчи ҳамда техник кўрик ўтказувчи корхоналар иштирокида 2016 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 ноябрдаги 326-сонли қарори билан тасдиқланган “Сиқилган табиий газ, суюлтирилган газ ёки дизель ва газ ёқилғиси аралашмаси билан ишлайдиган транспорт воситалари ҳавфсизлиги” тўғрисидаги умумий техник регламенти 2016 йил 1 июндан кучга кириши муносабати билан ҳамда унинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида семинар ўтказилди.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида Сирдарё вилоятидаги АГЗС, АГНКС, ГНС, ГНП ва “Сирдарёвилоятгазтаъминот” бошқармасининг ходимлари иштирокида 2016 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 ноябрдаги 326-сонли қарори билан тасдиқланган “Сиқилган табиий газ, суюлтирилган газ ёки дизель ва газ ёқилғиси аралашмаси билан ишлайдиган транспорт воситалари хавфсизлиги” тўғрисидаги умумий техник регламенти 2016 йил 1 июндан кучга кириши муносабати билан ҳамда унинг бажарилишини таъминлаш мақсадида семинар ўтказилди.

2016 йил 6 ва 7 феврал кунлари Миллий телерадиокомпаниянинг “Ўзбекистон” телеканалининг “Ахборот” информацион дастурида соат 19:30 ва 21:00 да, “Тошкент” телеканалининг “Пойтахт” информацион дастурида соат 18:00 ва 22:00 да, “Сиқилган табиий газ, суюлтирилган газ ёки дизель ва газ ёқилғиси аралашмаси билан ишлайдиган транспорт воситалари хавфсизлиги” тўғрисидаги умумий техник регламенти бўйича тармоқ инспекцияси бошлиғи Х.Юсупов интервьюлар бериб чиқишлар қилди.

2016 йил 2 феврал куни Сирдарё вилояти радиосининг “Талаб ва ижро” эшителишида ва 2016 йил 5 феврал куни Сирдарё вилояти телевидениясининг “Давра суҳбати” кўрсатувида “Сиқилган табиий газ, суюлтирилган газ ёки дизель ва газ ёқилғиси аралашмаси билан ишлайдиган транспорт воситалари хавфсизлиги” тўғрисидаги умумий техник регламенти бўйича Н.Абдурахмонов чиқишлар қилди.

2016 йил 19 феврал куни “Тошкент” телеканалининг “Пойтахт” информацион дастурида соат 18:00, 20:00 ва 22:00 да, Ўзбекистон миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманида “Турмушда газдан хавфсиз фойдаланиш-фаровонлик гарови”, “Ис газидан захарланиш ҳолатларини олдини олиш” мавзуларида тармоқ инспекцияси бошлиғи Х.Юсупов интервьюлар бериб чиқишлар қилди.

2016 йил 1 чорагида Бухоро вилоятининг «Истиклол» ТВ телеканалда Ёнгин хавфсизлиги қоидалари, «Бухоро» ТВ телеканалда газ баллонлар хавфсизлиги қоидалари бўйича чиқиш қилинди. «Паркент тонги» газетасининг 7-сонида “Ис газидан эҳтиёт бўлинг!” номли мақоласи чоп этилди. «Ангрен ҳақиқати» газетасида “Ис гази” номли мақоласи чоп этилди, “Сирдарё ҳақиқати” газетасида “Инсон ҳаёти соғлиғи ва хавфсизлигини кўзлаб!” номли мақоласи чоп этилди. “Тасвир” нашриёт уйининг Ахборот-билдириш нашри “Тасвир” газетасида “Инсон ҳаёти хавфсизлигини кўзлаб ” номли газета муҳбири билан мулоқоти чоп этилди. “Жиззах овози” газетасида “Суюлтирилган газ нимаси билан хавфли” номли мақоласи чоп этилди. «Коровулбозор тонги» газетасида «2006-йил 28-сентябрдаги 57-сонли қонун мазмуни» номли, «Пешку овози» газетасида «Газ хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш» номли, «Қогон ҳаёти» газетасида «Табиий газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг» номли, «Галаосиё овози» газетасида «Газ хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш» номли, «Вобкент Ҳаёти» газетасида «Хушёрлик ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг» номли, «Ғиждувон» газетасида «Табиий газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг» номли, «Шофиркон Овози» газетасида «Суюлтирилган газдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари» номли, мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги 06/1-2-сонли топшириғига мувофиқ, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2016 йил 27 февралдаги 02/1-176-сонли хатига асосан 21 та корхонада жойига чиқиб ўрганиш ўтказилди ва қуйидагилар маълум бўлди: “Самарқанд қишлоқ қурилиш” МЧЖ икки йилдан буён табиий газдан фойдаланмайди, “Иштихон темир-бетон” МЧЖ, “Нарпай брикс” МЧЖ, “Давр” МЧЖ, “Акмалжон Хумоюн” МЧЖ, “Жахон керамика инвест”, “Рухшона” МЧЖ, “Мароқанд гишт сервис” МЧЖ, “Ворсин брикс универсал” МЧЖларнинг газ ростлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилмаган, газ хўжалиғига жавобгар шахс ва ишчи-ҳодимлар махсус ўқув курсларида ўқитилмаганлиги сабабли, ушбу ғишт ишлаб чиқариш корхоналари “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг меъёрий-техник ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги, “Семурғ – Самарқанд” МЧЖ, “Регистон ишлаб чиқариш” МЧЖ, “Дилшод Махаммадов” ХК, “Ингичка яшил даласи” МЧЖ, “Интеко Брикс” МЧЖ, “Голден Брикс” МЧЖ, “Алишер-Д” ХК, “Пахтачи ғишт маҳсулотлари”,

“Мароқанд строй медиа класс”, “Маржона Макони файз” МЧЖ, “Қайнама турон ғишт” ШК, “Осиё йўл сервис” МЧЖларнинг газ жиҳозлари ва қурилмалари “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг меъёрий-техник хужжатлари талабларига жавоб бериши аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2016 йил 4 мартдаги 06/1-444-сонли топшириғига мувофиқ, Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2016 йил 27 февралдаги 01-03/415-сонли хатига асосан 48 та корхонада жойига чиқиб ўрганиш ўтказилди ва қуйидагилар маълум бўлди:

“1-сон комплекс лойиха қурилиш монтаж”, “Адоба класс бизнес пишиқ ғишт” ИЦ, “Шайх-Али” МЧЖ, “Вермокс Барака Шифо” ХК, “Шарқ осмони” ХК, “Наврўз капитал қурилиш” МЧЖ, “Электро қурилиш” МЧЖ, “Қурилиш таъмир корхонаси” МЧЖ, “Қора хитой ғишт кўп тармоқли” ХК, “Хикмат нур қурилиш” МЧЖ, “НАЙМАН” ЭХ ХФ, “Қарши Сопол қувурлар заводи” МЧЖ, “УЯ 64/49” ЖИЭМ, “Янги Иморат” МЧЖ, “Жануб капитал қурилиш” МЧЖ, “BRICK PRODUCTING” МЧЖ, “Тоғ буюм Ғишт” цех, “Зафардиёр” МЧЖ, “Пудуна Қувончбек” МЧЖ, “Бехруз” МЧЖ, “Косон сервис савдо” ишлаб чиқариш корхонаси, “Ал-Бобур қурилиш” МЧЖ, “Косон Бурдоқчилик жамоа хўжалигига қарашли ғишт” ишлаб чиқариш заводи, “Макс Фин плюс” МЧЖ, “Уя 64/51” ЖИЭМ, “Тижорат” фирмаси, “Чаман хонобод соф ғишт тайёрлов” хусусий корхонаси, “Азиа брик плант” хусусий корхонаси, “Қарши қурилиш саноат инженеринг” хусусий корхонаси, “Техчорвасервис” ТЖК, “Таъминот синтез хусусий” МЧЖ, “FE KAR-OYNA” корхонасига қарашли “Мағзон СБА газ” МЧЖ ғишт заводи, “Хамроева Венера” ХК, “Уста тадбиркор” ишлаб чиқариш корхонаси, “Авғон” МЧЖ, “Вилоят кооперация қурилиш материаллар таъминоти” МЧЖ, “Бердиев Шовкат Норпўлатович” МЧЖ, “Эна Бибихон” МЧЖ, “Кудрат Капитал инвест” МЧЖ, “Биллур шодаси” МЧЖ, “Муродбой-Сухроббой” МЧЖ, “Миришкор ихтисослашган қурилиш таъмир” корхонаси, “Қамаши ғишт” ишлаб чиқариш МЧЖ, “Сугдиёна ғишт” МЧЖ, “Яккабоғ Ғишт” МЧЖ, “Буюк турон чинор” КТК, “Давр темир-бетон” МЧЖ, “Шайх-АЛИ” АБЗларга қарашли ишлаб чиқариш корхоналари “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг меъёрий-техник хужжатлари талабларига жавоб бериши аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2016 йил 4 мартдаги 06/1-444-сонли топшириғига мувофиқ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2016 йил 29 февралдаги 01-12/384-сонли хатига асосан 17 та корхонада жойига чиқиб ўрганиш ўтказилди ва қуйидагилар маълум бўлди:

“Оққўрғон таъмир қурилиш” ХК табиий газга уланмаган. “Жўрабобо” ХКда ўн олти камерали “айланма” русумли печ ўрнатилган бўлиб, газ горелкалари сертификатланмаган, газ ростлаш пункти носоз ҳолатда, газ хўжалигига жавобгар шахс тайинланмаган. “Нуриддин” ХФда ўн икки камерали “айланма” русумли печ ўрнатилган бўлиб, ГРП тафтишдан ўтказилмаган, назорат ўлчов воситалари давлат қиёслов кўригидан ўтказилмаган. “Абдураим Жалил” ХФда тўрт дона “шелевой” русумли печ ўрнатилган бўлиб, ГРП ва газ қувурлари носоз ҳолатда эканлиги ҳамда ушбу ғишт ишлаб чиқариш корхоналари “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг меъёрий-техник хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги, “Само Юлдузи Денов” СИЧК, “Аҳад Мир Брик” МЧЖ, “Бобокул Ўроқовлар” фирмаси, “Аброр қурилиш автотранс” МЧЖ, “Фабулло Строй Сервис” МЧЖ, “Меҳнат Рохат” МЧЖ, “Аму-Сурхон Холдинг” МЧЖ, “Жанубсаноатқурилиш” ИК, “Воҳа саховати” ХК, “Шарғунғишт” МЧЖ, “Гранд шифер” МЧЖ, “Қахрамон инвест” ХК, “Термиз ИР инвест сервис” МЧЖлари “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг меъёрий-техник хужжатлари талабларига жавоб бериши аниқланди.

2016 йил 1-чоракда Газ хўжалигидан ҳавфсиз фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида 35 нафар давлат инспектори фаолият юритди. Тармоқ инспекцияси

назорати остидаги корхоналар сони шу кунга қадар 3447 тани ташкил этиб, ҳар бир инспекторга 98 тадан тўғри келади.

Тармоқ инспекция назоратидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат шароитини яратиш бўйича қуйидаги масалалар кўп йиллардан бери ҳал қилинмасдан келинмоқда: Ер ости пўлат газ қувурининг электр кимёвий ҳимоясининг ишга яроқсиз ҳолга келгани оқибатида қувурлар емирилиши, аҳоли истеъмолчилари томонидан газ жихозларидан фойдаланиш қоида талабларига риоя этилмаслик, қиш мавсумида табиий газ босимининг бир меъёردа бўлмаслиги.

**Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси жараёнига риоя этилишини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Тармоқ инспекцияси назорати остидаги корхоналарда 2016 йил I-чоракда жами 216 та объектларда назорат–профилактика ишлари олиб борилди.

Назорат остидаги “Дунё-М” АЖ корхонасининг 3 та объектида, “Андижондонмахсулотлари” АЖ да ва Андижон вилояти Избоскан туманидаги 6 та тадбиркорлик субъектларида, “Сурхондарёдонмахсулотлари” АЖ га қарашли 3 та объектида, “Фарғонадонмахсулотлари” АЖ га қарашли 5 та объектида, Жиззах вилоятининг “Лочин” МЧЖ ва “Ширмой нон” МЧЖда “Сурхондарёдонмахсулотлари” АЖ корхонасининг 3 та объектида “Қўрғонтепадонмахсулотлари” АЖ ва “Асакадонмахсулотлари” АЖ ларга қарашли жами 8 та объектларда, “Фарғонадонмахсулотлари” АЖ, “Қувадонмахсулотлари” АЖ, ва “Бағдоддонмахсулотлари” АЖ ва “Қўқондонмахсулотлари” АЖларнинг жами 7 та объектларида, “Бухородонмахсулотлари” АЖ, “Когондонмахсулотлари” АЖ, “Қорақўлдонмахсулотлари” АЖларнинг жами 8 та объектларида, “Оқтошдон” АЖ корхонасида, “Тахиатошдонмахсулотлари” АЖ корхонасида, Сирдарё вилоятидаги жами 28 та тадбиркорлик субъектларида “Қашқадарёдонмахсулотлари” АЖ корхонасининг 2 та объектида ва корхоналарнинг дон қабул қилиш шахобчаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“2016 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларини жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2411-сонли қарори ҳақида, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.12.2008 йилдаги 271-сонли қарори “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни ҳамда мазмун, моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

“Қорақалпоқдонмахсулотлари” АЖ ва “Сурхондарёдонмахсулотлари” АЖ га қарашли Жарқўрғон туманида жойлашган Жарқўрғон ДҚҚШ, “Қўрғонтепадонмахсулотлари” АЖ, “Қашқадарёдонмахсулотлари” АЖ, “Сурхондарёдонмахсулотлари” АЖ ва унга қарашли Шеробод “Иссиқ нон”, “Фарғонадонмахсулотлари” АЖ, “Қувадонмахсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмахсулотлари” АЖ, “Тахиатошдонмахсулотлари” АЖ корхоналарида ва Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида Қорақалпоқ Касаба уюшмалари кенгаши мажлислар залида тадбиркорлик субъектлари иштирокида “Асакадонмахсулотлари” АЖ, “Сурхондарёдонмахсулотлари” АЖ га қарашли “Иссиқ нон” цехи, “Алпомиш” ун тегирмон цехи, “Жарқўрғон” ДҚҚШ, “Косон ДМҚҚ” МЧЖ, “Қонират ун заводи” АЖ, “Бағдоддонмахсулотлари” АЖ, “Қўқондонмахсулотлари” АЖ, “Жиззахдонмахсулотлари” АЖ корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ва уларнинг объектлари учун “Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидалари” талаблари ижроси юзасидан семинарлар ўтказилди.

Тошкент шаҳрида “Тошкент-Нон” га қарашли 41 та нон ишлаб чиқариш корхоналарида назорат-профилактика ишлари олиб борилди.

Юқорида келтириб ўтилган барча объектларда аниқланган камчиликлар юзасидан маълумотномалар ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ 1442- сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида давлат дастури тузилган. Ушбу дастур асосида назорат остидаги корхоналарда 2015 йил модернизация ишлари бошланиб, шулардан Хоразм вилояти Боғот тумани Қулонқорабоғ қишлоғида жойлашган “Боғот дон” АЖнинг тегирмон цехида Туркия давлатининг “GANC DEGIRMEN” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган суткасига 120 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ва Навоий вилояти Навоий шаҳрида жойлашган “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг тегирмон цехида Туркия давлатининг “MAKINES ENERGY” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган суткасига 300 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги ускуналарни жойлаштириш ишлари тугатилди.

Тошкент шаҳар Элбек кўчасида жойлашган “Ғалла Алтег” АЖда 2015 йилда янги тегирмон цехи қурилиши бошланди. Туркия давлатининг “GANC DEGIRMEN” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган суткасига 400 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ускуналарни жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу корхоналарда вилоят инспекторлари томонидан назорат-профилактика ишлари олиб борилмоқда ва тегишли кўрсатма ҳамда тавсиялар берилмоқда.

Қорақалпоқ минтақавий инспекцияси давлат инспектори Ш.Кайпов томонидан 2016 йил 11 феврал куни «Еркин Қарақалпақстан» рўзномасида «Бас маселе-санаатга кайипсизликни тамийнлеу» мавзусида чиқиш қилинди. Андижон минтақавий инспекцияси давлат инспектори С.Махмудов томонидан 2016 йил 25 феврал куни «Адолат ёғдуси» рўзномасида «Саноат хавфсизлиги давр талаби» мавзусида чиқиш қилинди. Фарғона минтақавий инспекцияси давлат инспектори Д.Бойназаров томонидан 2016 йил 16 март куни «Қува ҳаёти» рўзномасида «Хавфсизлик-давр талаби» мавзусида чиқиш қилинди.

“Контехназоратўкув” ДУК ИТМ нинг хатига асосан “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг 35 нафар бош механиклари жорий йил феврал-март ойларида саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши бўйича ўқитилди ва жойларда 83 нафар ишчи ва муҳандис ходимларнинг саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниши бўйича ўқитилиб билимлари синовдан ўтказилди.

Бош вазир ўринбосари Г.И.Ибрагимов томонидан 2014 йил 16 январдаги 06/1-717-сон билан тасдиқланган саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш тўғрисидаги жадвалга мувофиқ ишлаб чиқилган “Донни сақлаш ва қайта ишлаш ташкилотларида аварияларни бартараф этиш ва ходимларни ҳимоя қилиш режаларини тузиш бўйича Йўриқнома” қайта кўриб чиқилмоқда.

#### **Хавфли юкларни ташиш шароитларини назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Темир йўл транспортида хавфли юкларни ташиш шароитларини назорат қилиш инспекцияси ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан 2012 йил 10 июндаги Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири, Республика

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш раиси Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқлаган назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаш мажлисининг 1чи сонли баёни 1 иловаси, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги” тўғрисидаги ЎРҚ–57–сонли қонунига Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги” 271-сонли қарори, 2002 йил 21 февралдаги 62-сонли қарорини 1996 йил 5 апрелдаги баённома билан тасдиқланган “Хавфли юкларни ташиш қондаси”(ХЮТҚ) ва бошқа норматив-ҳуқуқий, норматив-техник ҳужжатларга асосан олиб боради.

Инспекция ходимлари томонидан 2016 йилнинг 1 чорак давомида “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси бошлиғи Б. В. Гулямов томонидан тасдиқланган 2016 йил режаси асосида “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли Хавфли юкларни ташиш, учун мўлжалланган шахобчаларни “Хавфли юкларни ташиш қондасига” мувофиқ, талабларини бажарилиши мақсадли куриб чиқилди ва Хавфли юкларни ташиш учун вагон таъмирлаш ДЕПОларида ва локоматив ДЕПОларида хавфли юкларни ташиш шароитини талабларининг бажарилиши мақсадли текширилди булардан; “Қунғрот” регионал темир йўл узелларига қарашли; Қунғрот, Найманкуль, Нукус, Элликалға, Шовот, Урганч, станциялари; “Қуқон” регионал темир йўл узелларига қарашли; Туракурғон, Киргули, Ропқон “Бухоро” регионал темир йўл узелларига қарашли; Алат, Якка-тут, Бинокор, Навои станцияларида тармоқ инспекцияси нозирлари темир йўл тизимида ишларни беҳатар олиб боришида фаол қатнашдилар.

“Ўзкимёсаноат” Давлат акциядорлик компанияси, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖ қарашли корхоналарда назорат-профилактика ишларни олиб борилди. Инспекция назорати остида 234 та корхоналар бўлиб, бу корхоналарда 2016 йилнинг 1 чорак ой давомида 3 нозир назорат-профилактик текширув ишларни олиб боради. Ўрта ҳисобда 1 та нозир 58 корхоналарни назорат қилади.

Ушбу корхоналарда 23 профилактика текширувлар ўтказилиб, текширув натижасида 101 та камчиликлар аниқланган.

Юқорида кўрсатилган корхоналарда доимий ҳаракат комиссияси, саноат ва техника хавфсизлиги бўлимлари ходимлари ва бош мутахасислари иштирокида билим синовларини ХЮТҚ қондасини ва йуриқномаларни қандай узлаштирилганлигини “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясида ва ва “Ўзбекнефтгаз” МХКга қарашли корхоналарда инспекция ходимлари иштирокида ўтказилди. Текширишлар давомида ХЮТҚ қондалари бўйича билимлари талаб даражасида бўлмаган корхона ва станцияларида ишчилар билим синовлари белгиланиб 32 нафар муҳандис техник ходимлар, ишчиларни билимлари синовдан ўтказилди ва 1 таси синовлардан утмагани учун қайта топширишга чора-тадбирлар тузилиб муддат берилди.

Текширишларда “ХЮТҚ қондаси” ва инструкциялар талабларини бажаришда камчиликларга йўл қўйилган 1 нафар шахсга жарима 130240 сўм солинди.

Шу билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли қарорини таъминлаш мақсадида “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белгилаб берадиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг суғурта қилиш бўйича тушунтиришлар олиб борилди.



Инспекциянинг асосий мақсади, назорат остидаги корхоналарда ҳавфли юкларни ташиш шароитларини узликсиз назорат -профилактика ишларини олиб бериш, корхоналарда ва объектларда авария ҳолатлари ва жароҳатланишларни олдини олиш. Тузилган чора-тадбирларига эътиборни кучайтиришга қаратилган.

Инспекция нозирлари, ХЮТҚ қонунлари ва бошқа янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талабларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича темир йўл тизимига эга бугунги корхоналарда, методик ёрдам кўрсатилапти.

Инспекция инспекторлари авария ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш бўйича мунтазам равишда корхона ва ташкилотларда йил бошида тасдиқланган ўз иш режаларига асосан назорат-профилактика ишлари узликсиз олиб бериладилар.

Инспекция ходимлари корхоналар раҳбарлари ва темир йўллар тузилмавий бўлинмалари, магистрал темир йўл транспорти корхоналари, шунингдек корхонанинг ҳавфли юкларни ташиш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш цехлари, темир йўл (транспорт) цехлари ва бўлимларининг идоравий назорат хизматлари ходимлари томонидан ҳавфли юкларни ташиш ҳавфсизлиги талабларига риоя қилиш бўйича идоравий текширишлар йиллик режалари ёки жадваллари бажарилиши назоратни олиб бериладилар.

Тармоқ инспекцияси томонидан темир йўл транспортда ҳавфли юкларни темир йўл транспорти билан бехатар ташиш бўйича Фарғона вилоятида 2016йил 25 март куни 12 сонли “Боғдод ҳаёти” газетасида чоп этилди. Келгусида ҳавфли ишлаб чиқариш объектларида, темир йўл транспортда ҳавфли йўкларни ташиш ишларини бехатар олиб берилишига мақоаларни газеталарда чиқишларни қўйишга тармоқ инспекция ходимлари томонидан мақсад қилиб қўйилган.

Минтақавий нозирларнинг ҳисоботлари шуни кўрсатмоқдаки, юк жўнатувчи ташкилотлар томонидан ҳавфли юкли вагонларда қоидабузарликлар аниқланмоқда. Айрим вагонлар ҳавфлилик бўйича ностандарт белгилар билан қабул қилинмоқда. Станция раҳбарлари томонидан ишга янги олинган ишчиларни техник ўқитишлар етарли савияда ўтказилмайди. Барча станция раҳбарлари ҳавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича сифатли ўқитиш кераклиги уқтириб ўтилди. Темир йўл станцияларида чириган ёғоч шпалларни алмаштириши долзарб мавзулар жумласидандир.

Нazoratchилар томонидан берилган ёзма буйруқлар корхона раҳбарлар ва муҳандис техник ходимлар томонидан ўз вақтида бажарилмоқда, лекин узоқ вақтдан бери бажарилмаётган камчиликлар мавжуд, булар:

Асосий муаммолардан бири станцияларда темир йўл мажмуасида ишлаб келаётган ишчиларнинг “Ҳавфли юкларни ташиш қонунлари” ва йуриқномаларини ўзлаштирилишини жавоб бермаслиги кўриниб келмоқда.

Ҳал қилиниши қийин бўлаётган асосий муаммолардан бири барча назорат остидаги корхоналардаги темир йўл ости шпаллари билан таъминланиши бўлиб келмоқда.

### **Атомни назорат қилиш тармоқ инспекцияси**

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 мартдаги 111-сонли қарори билан тасдиқланган «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш» тўғрисидаги Низоми асосида корхоналарни лицензиялаш ишлари олиб бериладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш Комиссияси аъзолари томонидан Комиссия йиғилишининг баённомалари кўриб чиқилмоқда. Лицензия талабгорларининг ҳужжатларига асосан, ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турини амалга ошириш учун 4 та Вазирлар Маҳкамаси лицензияси, яъни Ўзбекистон Республикаси Фавқулodда вазиятлар вазирлиги, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “MED CONCEPT TECHNO SERVICE” кўшма корхонаси, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Uz-Kor Gas Chemical” кўшма корхонаси, Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика онкология илмий марказига Вазирлар Маҳкамаси лицензияси расмийлаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш Комиссияси йиғилишининг №91-96 баённомалари тегишли вазирликлар Комиссия аъзолари билан келишиш учун юборилган. Ҳар ой 10 санасигача домий равишда Вазирлар Маҳкамасининг ИНМ лар билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун расмийлаштирилган лицензиялар ҳақидаги маълумот Давлат божхона Қўмитасига ўз вақтида мунтазам равишда бериб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрель 98-сонли қарори билан тасдиқланган «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш Қоидалари»га асосан республика ҳудудидаги радиоактив материаллар инвентаризацияси 1 февралгача янгиланади.

Радиоактив материалларни айланишини назорат қилиш мақсадида ва радиоактив чиқиндиларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, корхоналардан тушган аризалар асосида  $6\text{м}^3$  радиоактив ифлосланган тупроқ, 8356 та ишлатилмаётган радиоактив ифлосланган элементлар «Республика радиоактив чиқиндиларни кўмиш корхонаси» давлат корхонаси («РРЧКК» ДК) томонидан кўмиш учун олиб кетилди. Шунингдек, республика ҳудудидан 4 дона нурлантирилган намуналар олиб чиқиб кетилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сонли қарорига асосан «Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекциясининг 2009 йил 2 ноябрдаги 220<sup>а</sup>-сонли буйруғи билан атом назорати тармоқ инспекцияси қошида ташкил қилинган радиоактив моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини юритиш, ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ушбу қарорга мос келишини таъминлаш масалалари бўйича доимий амал қилувчи консултация пункти фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йил 8 январь куни тармоқ инспекцияси давлат инспектори ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси мутахассислари 3 киши, ҳамда Халқаро атом энергияси агентлигидан В.Микал ва В.Любенев, Словакия ва Чехия республикаси мутахассислари 2 киши иштирокида Ядро физикаси ВВР-СМ тадқиқот реакторида қўшма инспекция бўлиб ўтди.

Январь ойида Навоий ТМК да 1-руда бошқармасида 1 та текширув ўтказилди. 4 та камчилик аниқланди. 1 киши иш давомида ўз мажбуриятига енгил қараганлиги учун интизомий жазога тортилди. Тармоқ инспекцияси кенгашида 1 та назорат остидаги корхоналардан «Махам-Chirchiq» Акционерлик Жамиятида 2015 йил давомида радиациявий хавфсизлик соҳасида амалга оширган ишлари хисоботи муҳокама қилинди.

«Навоий КМК» ДК объектларида февраль ойида 28 та мутахассисларнинг радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳаси бўйича билимларини текшириш бўйича навбатдаги имтиҳон ўтказилди.

Жорий йил февраль ойида Ядро физикаси ВВР-СМ тадқиқот реактори бош муҳандиси ва мутахассислари билан Ядро физикаси ВВР-СМ тадқиқот реакторини эксплуатациядан чиқариш масаласи бўйича Ҳукумат комиссиясининг 1-сонли баённомаси (ЎзР ВМ 30.09.2015й. №778-фармойиши) ижроси юзасидан бўлиб ўтган ишчи кенгаши бўлиб ўтди.

Хисобот даврида назорат остидаги корхоналарнинг, жумладан Қишлоқ ва сув хўжалигига вазирлигига қарашли «РНПЦС и РХ», «Радиопрепарат» Давлат корхонаси, «ГКСПЭ» Давлат корхонаси, «Тезлатгич» МЧЖ 2 марта, «Фотон» АЖ, Ядро физикаси институти, Самарқанд Давлат Университети корхоналари аризалари кўриб чиқилди. Кўрилган муаммоли масалалар ижобий ҳал этилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент вилояти Онкология диспансери, ЎзР ФА «Incom capitall qulilish», ҳамда Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “MED CONCEPT TECHNO

SERVICE” кўшма корхонасининг радиациявий хавфсизлик бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Радиоактив чиқиндилар ва ишлатиб бўлинган ёқилғилар билан хавфсиз муомала бўйича бирлашган Конвенциянинг бажарилиши юзасидан чоралар» ҳақидаги 2015 йил 31 декабрдаги № 379-сонли Қарорининг Назорат режаси ижроси юзасидан Давлат инспекциясининг 2016 йил 5 январда 03/01-02-сонли буйруғи тасдиқланди. Назорат режасига кўра Саволнома ишлаб чиқилиб тегишли вазирлик ва ташкилотлардан маълумотлар йиғилди ва Конвенция шартларига кўра Ўзбекистон Республикасида радиоактив чиқиндилар ва ишлатиб бўлинган ёқилғилар билан хавфсиз муомала бирлашган Конвенциянинг бажарилиши бўйича Миллий маъруза тайёрланди ва вазирлик ва ташкилотларга келишиш учун юборилди.

Ҳисобот даврида назорат остидаги корхоналарда жиддий қонун ва қоидаларнинг бузилиши бўлмаганлиги сабабли назорат остидаги корхоналарда авария ҳолатлари ҳам, бахтсиз ҳодиса ҳам бўлмади. Назорат остидаги лицензия олувчи корхоналарнинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, эксперт хулосалари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сонли ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги топшириғига асосан инспекторлар ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасининг топшириқ ва фармойишлари, давлат инспекциясининг буйруқлари билан танишмоқдалар, тармоқ инспекциясига дахлдор бўлганларига фармойишлар чиқарилиб, уларнинг бажарилиши тармоқ инспекцияси бошлиғи томонидан доимий назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сонли қарорига асосан Республика бўйича радиоактив материаллар ва радиоактив чиқиндиларни айланиши субъектлари томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисида ахборотлар мунтазам янгиланмоқда.

#### **Кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш инспекцияси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни таъқиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг Иш режасига мувофиқ 2016 йил 1- чорақда қуйидаги тадбирлар амалга оширилди.

“Ўзкимёсаноат” ДАКда хавфли химикатлар ҳақидаги олинган маълумотлар текширилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. “Ўзкимёсаноат” ДАКдан олинган маълумот, шуни кўрсатдики ОАО “Навоиазот”да декларация қилиниши шарт бўлган 3- рўйхатдаги хавфли химикат синил кислотаси ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхона Қўмитасидан хавфли химикатлар экспорт-импорти ҳақидаги маълумотлар ҳам текширувдан ўтказилди, ҳамда Халқаро Кимёвий Қуролни Тақиқлаш Ташкилоти Техник Котибиятига йиллик маълумот бериш учун тайёрланди. Ўтган 2016 йилда ОАО “Навоиазот”да 16914тонна синил кислота ички эҳтиёжлар учун ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси 2015 йилдаги маълумотига кўра декларация қилиниши шарт бўлган 3- рўйхатдаги химикатлардан Ўзбекистонга 3246,17 тонна метилдиэтанолламин ва 11466 кг. триэтанолламин, ҳамда 2016 йил 1-чорагида 7078,96 тонна метилдиэтанолламин ва 7130кг триэтанолламин импорт қилинган.

Шунингдек, ОАО “Навоиазот”, “Фарғона фуран бирикмалари кимё” заводи, ОАО “Электрокимёсаноат” ва Фарғона ПО “Азот”дан декларация қилиниши шарт бўлган 4-рўйхатга кирувчи кимёвий бирикмалар ишлаб чиқарилган.

Комиссия томонидан юқорида қайд қилинган маълумотлар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги фаолияти ҳақида йиллик эълон Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Конвенциясини Текшириш иловасининг 4(С) банди VIII

қисмига мувофиқ хужжатлаштирилди ва Халқаро Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Ташкилотининг Техник Котибиятига юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга режалаштирилган фаолияти ҳақида йиллик эълон Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Конвенциясини Текшириш иловасининг 4(С) банди VIII қисмига мувофиқ хужжатлаштирилди ва Халқаро Кимёвий Қуролни Таъқиқлаш Ташкилотининг Техник Котибиятига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси бактериологик (биологик) ва токсин қуролларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва захираларини тўплашни маън этиш ва уларни йўқ қилиш ҳақидаги III Конференцияси қатнашувчи давлатлар қабул қилган андозасига кўра тайёрланди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қуролсизланиш Масалалари Департаментига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларни тақиқлаш Конвенциясини бажарилишини назорат қилиш Комиссиясининг 2016 йил 1-ярим йиллик Иш режасининг 3.1-бандига асосан жорий йилнинг 16-18 феврал кунлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган кимёвий хавфли объектларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, “Кўнғирот сода заводи” УК бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябр кунидаги 427-сонли қарори талабларига мувофиқ объект раҳбар ходимларини ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган, жумладан йиллик ўқитиш дастури ишлаб чиқилмаган, машғулотларда ходимларнинг иштирокини қайд қилиш журнали юритилмаган;

объектда ташкил этилган фуқаро муҳофазаси тузилмаларини таъминланиш меъёрига асосан шахсий химоя воситалари, техник жиҳозлар ва воситалар билан тўлиқ таъминланмаган;

объектда мавжуд кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни минималлаштиришга қаратилган тадбирлар (Демонтаж-666) режаси ишлаб чиқилмаган.

“Кўнғирот сода заводи” УК раҳбар ходимлари ва ишчи-хизматчилари фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга “чекланган тайёр” деб баҳоланди.

Кўнғирот технологик сув билан таъминлаш бошқармаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябр кунидаги 427-сонли қарори талабларига мувофиқ объект раҳбар ходимларини ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган, жумладан йиллик ўқитиш дастури ишлаб чиқилмаган, машғулотларда ходимларнинг иштирокини қайд қилиш журнали юритилмаган.

объектда ташкил этилган фуқаро муҳофазаси тузилмаларини таъминланиш меъёрига асосан шахсий химоя воситалари, техник жиҳозлар ва воситалар билан тўлиқ таъминланмаган;

объектда мавжуд кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни минималлаштиришга қаратилган тадбирлар (Демонтаж-666) режаси ишлаб чиқилмаган.

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш режаси ишлаб чиқилган бўлсада, фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда уларни баргараф этишга жалб этиладиган куч-воситалар ҳисоби, алоқа ва хабар бериш чизмаси илова қилинмаган:

объект раҳбарининг 2015 йил 2 июндаги “Объектда эвакуация қилинадиган ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари рўйхати, кўчириш схемаси ишлаб чиқилмаган. Кўчириладиган фуқароларни қайси манзилга жойлаштирилиши кўрсатилмаган.

Кўнғирот технологик сув билан таъминлаш бошқармаси раҳбар ходимлари ва ишчи-хизматчилари фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга “тайёр эмас” деб баҳоланди.

“Туямуюн-Нукус минтақалараро сув ўтқизгичидан фойдаланиш” бошқармаси тасарруфидаги 1-сонли сув тақсимлаш. Нукус сув тозалаш ҳамда Туямуюн сув тозалаш иншоотлари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎР Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги №271-сонли қарорига мувофиқ объектнинг хавфлилиқ даражаси бўйича экспертиза хулосаси олинмаган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.2011 йилдаги №131-сонли қарорига мувофиқ объектнинг муҳандис техник ходимлари ва аммиак билан ишловчи ишчилар билимлари синовдан ўтказилмаган;

объект раҳбарининг 2013 йил 21 майдаги “Эвакуация комиссияси ва фуқаро муҳофазаси кўрсатмаси тўғрисида”ги буйруғи ишлаб чиқилган бўлсада, комиссиянинг Низоми, эвакуация қилинадиган ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари рўйхати, кўчириш схемаси ишлаб чиқилмаган.

“Туямуюн-Нукус минтақалараро сув ўтқизгичидан фойдаланиш” бошқармаси тасарруфидаги 1-сонли сув тақсимлаш. Нукус сув тозалаш ҳамда Туямуюн сув тозалаш иншоотлари раҳбар ходимлари ва ишчи-хизматчилари фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга “чекланган тайёр” деб баҳоланди.

### **Ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисми**

Ҳисобот даврида Ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисм (ҲКҚҚ) бўлинмалари хизмат кўрсатаётган ҳудудида содир бўлган аварияларни бартараф қилиш ишларига 1 маротаба жалб қилинган:

“НТМК” ДК Жанубий кон бошқармасининг “Гужумсай” кони 720 метр горизонтнинг қия кириш йўлида тоғ жинсининг босиб қолиши оқибатида 1 нафар тоғ ишчиси жабрланган. Авария натижасида жабрланганга тиббий ёрдам кўрсатишда 11,2 одам/соат иш респираторсиз бажарилган ва жабрланган 1 нафар кишининг ҳаёти сақлаб қолинган. ҲКҚҚ қисм бўлинмалари томонидан қуйидагилар амалга оширилди:

Бажарилган 581та техник ишларида 4410,7 одам/соат сарф қилиниб, шундан 542 одам/соат иш нафас олиш йўллари химоя қилиш аппарати (респиратор) қўлланилган ҳолда бажарилган.

ҲКҚҚ қисм бўлинмалари хизмат кўрсатадиган корхоналарда 127 маротаба тактик-ўқув машғулотлари ўтказилган. Машғулотлар давомида 2929,5 одам/соат иш бажарилиб, шундан 1145,5 одам/соат иш респиратор қўлланилган ҳолда бажарилган.

2016 йил 1-чорагида тоғ-кон қутқарув бўлинмалари хизмат кўрсатадиган корхоналарда 522 маротаба профилактика тадбирлар ўтказилган.

Тадбирлар давомида ягона хавфсизлик қоидалари ва қўлланмалар 1635 ҳолатда бузилганлиги аниқланган:

шамоллатиш усули бўйича -325; мавжуд ҳолатнинг «Аварияларни бартараф қилиш режаси»га мос келмаганлиги бўйича -24; мустаҳкамлаш паспортлари, заколларнинг мавжудлиги бўйича -271; механизмларга хизмат кўрсатиш бўйича -127; электр жихозлардан фойдаланиш бўйича -180; электр пайвандлаш ишларини олиб боришда -17; пармалаш ва портилатиш ишларини олиб боришида -6; ёнғин хавфсизлиги бўйича -247; тез таъсир қилувчи захарли моддаларни қўлашда -58; бошқа турли қоида бузарликлар -380; содир бўлган авариялар сони -1; авариялар, бахтсиз ва йўл транспорти ходисаларида жабрланганларга ёрдам кўрсатилган -1; қутқарилган одамлар-1.

ҲКҚҚ қисм бўлинмалари хизмат кўрсатаётган корхоналарда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши ёки қўлланмаларга амал қилмаслик ҳолатларининг асосий қисми корхоналар ёнғинга қарши бирламчи воситалари ва асбоб-ускуналар билан таъминланмаганлиги, шамоллатиш ускуналар ҳамда ёнғинга қарши қўлланиладиган қувурларнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шуниндек ҲКҚҚ қисм бўлинмалари шахсий таркиби томонидан:

хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг 854 ишчи ва инженер-техник ходимларига авария вазиятларида ўзини тутиш қоидалари ўргатилди; 49 маротаба оммавий портлатиш ишлари вақтида навбатчилик хизмати кўрсатилди; 62 ҳолатда фойдали қазилмалар қазиб олинадиган жойларни шамоллатиш хужжатлаштирилди; 8916 та ўз-ўзини қутқарув асбобларининг герметиклиги текширувдан ўтказилди; 1949 та ўт ўчиргич асбоби текширилиб, қайта зарядланди.

ЎҚҚҚисм бўлинмалари газ таҳлил лаборатория(ГАЛ)лари томонидан жами 2981 маротаба анализ ўтказилиб, шундан: 957 марта кон ҳавоси таркибини текшириш бўйича; 780 марта кон ҳавосининг чангланганлиги бўйича; 138 марта кўмир таркибидаги бошқа моддалар бўйича; 481 марта портлатишлардан сўнг кон ҳавосининг таркиби бўйича; 553 маротаба ички ёнув двигателлари ишлатилганидан кейин кон ҳавосининг таркиби бўйича, бунда 4 ҳолатда меъёрдан ортиқлиги қайд этилган; 26 марта кислород бўйича; 34 марта кимёвий ютгич (ХПИ) бўйича; 12 марта пенообразователь бўйича. Шуниндек, 206-та АМ-5 аспираторлари текширувдан ўтказилди.

### **«Саноат хавфсизлиги» кўмаклашиш маркази**

«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекциясининг «Саноат хавфсизлиги» кўмаклашиш маркази (матнда- СХКМ) «Саноат хавфсизлиги» экспертиза бўлими томонидан 2016 йил I-чорак давомида қуйида келтирилган ишлар амалга оширилди:

Саноат хавфсизлигининг экспертизасини ўтказиш учун 6 та ариза келиб тушди.

Шулардан: Лойиҳа хужжатлари экспертизаси – 5; Идентификация ўтказиш – 1;

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини (ХИЧО) экспертизадан ўтказиш учун бюрутмачилар билан 6 та шартнома тузилди. Лойиҳа хужжатлари экспертизаси – 5; Идентификация ўтказиш – 1.

ХИЧОлар бўйича 4 та саноат хавфсизлиги экспертизаси бўйича хулоса берилди, жумладан: Лойиҳа хужжатлари экспертизаси бўйича хулоса – 3; ХИЧО идентификация хулосаси – 1. Берилган экспертиза хулосаларининг миқдори, жами 7,105 минг сум ташкил қилди.

Саноат хавфсизлиги экспертиза бўлими мутахассислари томонидан доимий равишда саноат хавфсизлиги хужжатлари бўйича ўқув ишлари амалга оширилмоқда.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини саноат хавфсизлигини ва маҳсулотларни синовдан ўтказиш, сертификатлаштириш ва паспортлаштиришда ишлатиладиган, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг Сертификатлаштириш идорасининг меъёрий хужжатлар фонди 2016 йилнинг 1- чораги 1 март ҳолатига келиб 1473 донани ташкил этади.

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси назорати остидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси томонидан 554974 дона ускуналар сертификатлаштирилди; 13 дона мувофиқлик сертификатлари тан олинди.

Шулардан: Баллоны стальные сварные бытовые, производства Беларусь; Баллоны стальные сварные бытовые, производства Россия; Устройства иницирующие детонирующие, производства Россия; Электродетонаторы, производства Россия; Шнуры детонирующие и огнепроводные, производства Россия;

«Ўзстандарт» агентлиги ваколатли топширгани учун СИ СХКМ томонидан 2016 йилнинг 1 – чорак учун «Ўзстандарт» агентлигига 4 665,39 минг сўм ўтказилди.

Берилган сертификатлар миқдори-290 та, Сертификатлаштириган маҳсулотлар миқдори - 57 010,0 минг.сум, яроқсиз деб топилган маҳсулотлар-46 та, яроқсиз деб топилган маҳсулот миқдори -1 920 762,1 минг сум, Сертификатлаштиришда бажарилган ишлар миқдори -93 307,95 минг сум. мурожатларга асосан 1626 та мувофиқлик сертификатлари берилди ва 513093,9 минг сўмни ташкил қилди.

### **Лаборатория Унитар корхонаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 июндаги объектларни хавфсизлигини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Сенатининг 2006 йил 25 августдаги 222-1-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.12.2008 йилдаги 271-соили, ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг 2008 йил 22 декабрдаги 291-сонли буйруқларини бажарилиши юзасидан «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига Унитар корхонаси лабораторияси томонидан 2016 йил 1-чораги давомида куйидаги ишлар бажарилди:

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси Лаборатория Унитар корхонаси ООО «JV CO.LTD UZ-KOR GAZ CHEMICAL» билан корхонага тегишли юк кўтариш механизмларида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилиб келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлиги ҳолати аниқланиб, тегишли хужжатлар берилиши ҳақида шартнома тузилди. Жиззах шаҳридаги Узтрансгаз корхонасига тегишли автоцистерналарнинг техник ишлаш ҳолатлари аниқланиб, ҳамда келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли хужжатлар берилиши ҳақида шартнома тузилди.

ООО «Яккабоғ Газ Тулдириш Шаҳобчаси»даги ер ости газ қувурларининг пайвандланган чоклари сифати текширилиб, келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли хужжатлар берилиши ҳақида шартнома тузилди.

Самарқанд ёқилғи сақлаш омборхонаси билан тузилган шартнома асосида сизимларнинг техник ишлаш ҳолати аниқланиб, келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли хужжатлар берилди.

ООО «8-март» билан тузилган шартномага асосан корхонага тегишли юк кўтариш механизмларида комплекс дефектоскопик текширувлар ўтказилиб келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлиги ҳолати аниқланиб, келгусида ишга яроқли ёки яроқсизлигига тегишли хужжатлар берилди.

Текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни тuzатиш учун керакли муҳандислик тавсияномалар берилди.

#### **“Kontexnazorat o'quv” ИТМ ДУК**

“Kontexnazorat o'quv” илмий техник маркази Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271–сон “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир кўшимча чоратadbирлар ҳақида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сонли қарори 3-иловасининг III-бўлим билан юклатилган бир қатор вазифаларни амалга оширди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, саноат хавфсизлиги соҳасидаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари мутахассисларини “Саноат хавфсизлиги”, ўқув курсида ўқитиш учун “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг тармоқ инспекцияси билан келишилиб, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган 40 соатлик дастур асосида ўқитиш ишлари олиб борилди.

“Саноат хавфсизлиги” курси тингловчиларини хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларидан тушган мурожатлар асосида йиллик режа ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментлари томонидан тасдиқланди ҳамда шу асосида 2016 йил учун мўлжалланган ўқув ишлари ва бошқа кўзда тутилган ишлар амалга оширилди.

Мазкур чорақда ташкил этилган ўқув курсларда жами 282 нафар мутахассис ходимлар ўқитилди. Жумладан, режа асосида ташкил этилган “Саноат хавфсизлиги” курси бўйича 191 мутахассис. Режадан ташқари келиб тушган талабномалар асосида эса 91 нафар мутахассислар ўқув курсларида иштирок этди.

Илмий техник маркази “Путур етказмайдиган назорат қилиш усуллари ёрдамида дефектософия ва металлларни қалинлигини ўлчаш, пайвандлаш ишларини ўтказиш” бўйича “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан 2015 йил 11 июнда берилган 03/16-0927-БГ -сонли рухсатномага асосан хавфли ишлаб чиқариш объектларида фойдаланиладиган юк кўтариш машиналарини шартнома асосида техник кўриқдан ўтказиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилди. Шартнома асосида “Ўзбекқўмир” АЖ, “Modus Best” МЧЖ, “JV Man Auto-Uzbekistan” ҚК МЧЖ корхоналарининг юк кўтариш машиналарида техник текширув ўтказилиб, яқуний хулосалар берилди.

“Kontexnazorat o'quv” илмий техник маркази 2015 йил 10 июнда аккредитация қилинган эксперт ташкилотлар реестрида ЭТ-013–сон билан рўйхатга олинган.

“FERROBETON” МЧЖ, “XORAZM TEX” МЧЖ, “UzGazOil” МЧЖ, “HORIZON BRICKS” ХК МЧЖ, “AGROXIZMAT AVTOGAZ” МЧЖ ва “TOHIRJON” ХИЧК корхоналари билан тузилган шартнома асосида Хавфли ишлаб чиқариш объектлари экспертизадан ўтказилиб, яқуний хулосалар тақдим этилди.

**Давлат инспекцияси бошлиғи**

**Б.В.Гулямов**